Ушбу сонда:
2 ҚИШЛОҚ МАДАНИЯТ УЙЛАРИ «фаолияти»га бир назар
3 ДЕМОКРАТИК ҲУҚУҚИЙ ДАВЛАТ САРИ
4 Халқ оғзаки ижоди БАХШИ ДЎМБИРА ЧЕРТГАНДА

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ — ОЛИЙ БАХТ
ГАЗЕТА 1991 ЙИЛ 21 МАРТДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

# ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2003 йил 24 июн, сешанба № 97 (1522)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

## ХАРИДИНГИЗ УНУМЛИ БЎЛСИН!

***Республика кўчмас мулк биржаси вилоят бўлимида электрон савдо йўлга қўйилди.***

- Савдонинг бу усули харидорларга қатор қулайликлар туғдиради, - дейди бўлим директори Абдураҳмон Аҳмедов.- Электрон савдо мамлакатимиз бўйича бир вақтда ташкил этилганлиги боис, харидорлар юртимизнинг исталган ҳудудидан муайян объектни сотиб олиши ёки сотиши мумкин. Энг муҳими, харидор ҳам, сотувчи ҳам харажат қилмайди. Олди-сотди ишларини брокерларимиз бажаради.

Биржада вилоятдаги ўн иморат йигирма етти ярим миллион сўмга айнан электрон савдо усулида сотилди.

**(ЎзА)**

# ИСТИҚЛОЛ УМИДЛАРИ

***Мустақил фикрли, мустаҳкам иродали, чуқур билимли, дунёда ҳеч кимдан кам бўлмаган соғлом ва баркамол авлодни вояга етказишдек масъулиятли вазифага эътибор давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан биридир. Бугун юртимизда янги ҳаёт, янги жамият қуришда айнан мана шу жиҳатларга алоҳида эътибор қаратилмоқда.***



Мактаб, академик лицей ва касб-ҳунар коллеж ўқувчиларининг пойтахтимиздаги «Пахтакор» марказий стадионида бўлиб ўтган «Истиқлол умидлари» битирув кечаси буни яна бир бор тасдиқлади.

«Ҳеч кимдан кам эмасмиз, ҳеч кимдан кам бўлмаймиз!» шиори остида ўтган тадбирни Ўзбекистон Республикаси Президентининг Матбуот хизмати Тошкент шаҳар ҳокимлиги, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим, Маданият ишлари вазирликлари, Ўзтелерадиокомпания, «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси билан ҳамкорликда ташкил этди.



Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури изчиллик билан жорий этилаётгани, унинг ўзбек таълим модели сифатида бутун дунёда кенг эътироф этилаётгани, бу соҳадаги ишларимизга бошқалар катта ҳавас билан қараётгани таълимдаги ислоҳотларнинг нақадар тўғри ва ҳаётийлигини кўрсатмоқда. Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан иқтидорли ёшларнинг чет элда таълим олишларини қўллаб-қувватлаш «Умид» жамғармаси, Зулфия номидаги Давлат, «Ниҳол» мукофотларининг таъсис этилиши, пойтахтимизда халқаро Вестминстер университетининг очилиши ёшларга бўлган катта эътиборнинг яққол намойишидир.

Бу йил ҳам минглаб ёшлар мактабни тамомлаб, олий ўқув юртлари талабалари сафидан жой олиш ёки республикамиз тараққиёти учун зарур бўлган касб-корни эгаллаш орзусида. Мустақил ҳаёт остонасига қадам қўяётган, ҳуррият неъматларидан баҳра олаётган бу ўғил-қизлар том маънода истиқлол умидларидир.

Кечада сўзга чиққанлар юртимизда ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, улар истеъдодини юзага чиқариш, жамиятдаги ўзининг муносиб ўринларини эгаллашлари учун кенг шароит яратилаётганини таъкидлади. Мамлакатимизда миллатимиз эртаси бўлган ёш авлоднинг жисмонан баркамол вояга етиши учун тинимсиз ғамхўрлик кўрсатилмоқда. Давлатимиз раҳбари Ислом Каримов ташаббуси билан Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг ташкил этилиши, мунтазам ўтказилаётган «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод», Универсиада спорт мусобақалари ёш авлоднинг ҳам маънавий, ҳам жисмоний жиҳатдан соғлом бўлиб вояга етишида, соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб этишда муҳим омил бўлмоқда.

Ҳарбий, спорт, бадиий жамоалар тайёрлаган махсус байрам дастурлари тадбирга ўзгача файз бағишлади.

**(ЎзА)**







*Касаба уюшмалари бозор шароитида*

***Қишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар касаба уюшмалари фаолиятида ҳам ўз аксини топмасдан қолмаяпти. Бошқачасига айтганда, изланиш, янгича иш юритиш фаолият мезонига айланяпти.***

***Бош вазифа ишловчи манфаатини ҳар тарафлама ҳимоя қилишдан иборат. Бу борада жамоа шартномалари муҳим аҳамият касб этади. Шундай экан, бу муҳим ҳужжат бугунги шароитда қай тариқа тузилмоқда? Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшма Наманган вилоят қўмитасининг раиси Пайзулло Паязов билан мухбиримизнинг мулоқоти шу ҳақдадир.***

# ЖАМОА ШАРТНОМАСИ

## ишловчилар манфаатини муҳофаза қилишнинг ишончли воситаси

— Мулкдорлар синфининг пайдо бўлиши, фермерлар ва уларда ишловчиларнинг сони ортиб бориши меҳнат муносабатларини тартибга солиш, меҳнатни самарали рағбатлантириш, ижтимоий-иқтисодий масалаларни шартнома асосида ҳал этиш зaруриятини туғдиради, - дейди суҳбатдошимиз. — Чунончи, вилоятда фермерлик ҳаракати ривожланиши ҳисобига 1995 йилга нисбатан фермерлар сони 3 мартага, уларга ажратиб берилган ерлар 5 мартага, пахта етиштириш 24 мартага, ғалла етиштириш 9 мартага ўсди. Шунингдек, улар ихтиёридаги техникалар сони ҳам кўпайиб, турли хилдаги мингдан ортиқ қишлоқ хўжалик машиналаридан фойдаланилмоқда. Фермер хўжаликларидаги ишловчилар 14 минг кишини ташкил этади. Умуман, шу давр мобайнида фермер хўжаликлари 3 мартага ортиб, 3012 тага етди. Бу ўз навбатида ишловчилар манфаатларини муҳофаза қилишнинг янгича шаклшамойилларини таркиб топтиришни тақозо этади.

Ўзбекистон Республикасининг «Фермер хўжалиги тўғрисида» ги қонунига кўра фермер хўжалиги аъзоларининг биргаликдаги фаолиятига асосланган, юридик шахс ҳуқуқига эга мустақил хўжалик юритувчи субъект ҳисобланади.

Маълумки, Меҳнат Кодексининг 15-моддасида «Мулкдорнинг ўзи айни бир вақтда раҳбар бўлган хусусий корхоналар иш берувчилар бўлиши мумкинлиги, Кодекснинг 177-моддасида эса «Иш берувчи ушбу Кодексга мувофиқ жамоа шартномалари тузиши шарт»лиги кўрсатилган.

Бундан кўриниб турибдики, барча фермер хўжаликларида ишловчиларни ижтимоий-иқтисодий ҳимоялаш мақсадида жамоа шартномалари тузиш учун фермер хўжалиги бошлиқлари масъулдирлар.

**— Ҳужжатни расмийлаштириш масаласига тўхталсангиз.**

– Ҳозирги кунда фермер хўжаликларида ишловчи ходимларни туман деҳқон-фермер хўжаликлари уюшмаси вакиллигида тузилган жамоа шартномаси орқали ижтимоий ҳимоя қилиниб, уларда меҳнат муносабатлари тартибга солиб келинмоқда. Жамоа шартномасига тумандаги барча фермер хўжаликлари бошлиқларининг имзо қўйиши ва муҳр босиши бир қатор ноқулайликларни келтириб чиқараётганлиги ҳам сир эмас.

Бинобарин, бизда фермер хўжаликлари номидан уларнинг умумий йиғилишида жамоа шартномаси тузишда музокаралар олиб бориш, лойиҳасини тайёрлаш учун вакиллар сайланиб, буйруқ билан расмийлаштирилади. Ушбу йиғилиш қарори билан жамоа шартномасини фермерлар номидан имзолаш ваколати туман фермерлар вакиллиги директорига берилади. Касаба уюшма қўмитасининг раиси ходимлар номидан жамоа шартномасига имзо чекади.

Бундай жамоа шартномасини тумандаги барча фермерлар учун бажариш мажбурий ҳисобланмоқда.

Белгиланган тартибда экспертизадан ўтказилган, меҳнат шартномасининг умумий йиғилиши (конференция)да маъқулланган, туман касаба уюшма қўмитасида рўйхатга олинган жамоа шартномаси фермер хўжалиги аъзолари билан бир қаторда меҳнат шартномаси асосида ишловчилар учун ҳам татбиқ этилиши белгиланган.

**— Жамоа шартномасидаги ижтимоий кафолатлардан барча ишловчилар фойдаланиши мумкинми?**

– Кўп ҳолларда жамоа шартномасидаги имтиёз ва кафолатлар фермер хўжалиги аъзоларига татбиқ этилиб, меҳнат шартномаси асосида ишловчи ходимларга қўлланилмай қолмоқда эди.

«Фермер хўжалиги тўғрисида»ги қонуннинг 3-моддасида «Хўжалик меҳнат шартномаси асосида ишловчилар фермер хўжалиги аъзоси ҳисобланмайди» деб белгиланганлиги бунинг асосий сабабидир. Бироқ ушбу қонуннинг 14-моддасида фермер хўжалиги аъзолари ва меҳнат шартномаси асосида ишловчилар учун хавфсиз меҳнат шароитини таъминлаш, улар меҳнати фаолияти ҳисобини юритиш хўжаликнинг мажбурияти эканлиги таъкидланган. Демак, хўжаликда жорий қилинган ҳар қандай ижтимоий кафолатлардан фойдаланиш барча ишловчилар учун баробардир.

**— Фермерлар сони кўпайиши билан бир вақтда иқтисодий бақувват, ишловчилар сони кўп, йирик фермер хўжаликлари ҳам вужудга келмоқда. Шундай шароитда касаба уюшма ташкилотчиларини сайлаш қандай тартибда амалга оширилмоқда?**

— Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Уставининг V боб, 26-моддасида 30 ва ундан ортиқ касаба уюшма аъзоси бирлашган бошланғич ташкилотда касаба уюшма қўмитаси, тафтиш комиссияси сайланиши, 30 дан кам касаба уюшма аъзолари бирлашган бошланғич касаба уюшма ташкилотида касаба уюшма ташкилотчиси ва унинг ўринбосари сайланиши, 23-моддада касаба уюшма бошланғич ташкилоти хўжалигида 5 нафар касаба уюшма аъзоси бўлган тақдирдагина тузилиши белгиланган.

Хулоса қилиб айтганда, фермер хўжаликларида жамоа шартномаси хўжалик ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ҳисобига ишловчиларнинг турмуш фаровонлигини юксалтириш, меҳнат жамоасининг меҳнат ҳуқуқлари ва манфаатларини кафолатлашни қонунларда белгиланганига нисбатан татбиқ этиш мақсадида тузилади.

Жамоа шартномаси мажбуриятларини бажариш ҳар икки томон учун мажбурий бўлиб, бажарилиши бўйича меҳнат жамоасига йилига камида икки марта жавоб берадилар. Юқорида кўриб ўтилган тартибда иш юритиш вилоятимиз агросаноат тармоғи ходимларини ижтимоий ҳимоялашда катта кўмак бермоқда.

**Ж.ОБИДЖОНОВ**

*Ижтимоий ҳимоя*

# КОРХОНА ЁНИДА

## шифо маскани

Халқобод қўрғонидаги О. Бекхўжаев номли акциядорлик жамияти маҳсулот ишлаб чиқариш, аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий муҳофаза этиш борасида ибратли ишларни амалга оширмоқда.

Ҳозирда бу ерда 105 нафар киши меҳнат қилмоқда. Ходимларни ижтимоий ҳимоя этишга оид жамоа шартномаси бандлари бажариб бориляпти. Хусусан, уларнинг меҳнат ва дам олиши ҳақида маъмурият алоҳида ғамхўрлик қилмоқда. Ишловчиларга бепул тушлик берилади. Ҳар байрамда ишчилар пул мукофоти билан тақдирланади. Соғлиқларини тиклашлари учун ҳар йили 15-20 нафар меҳнаткаш юртимизнинг сўлим гўшаларига юборилмоқда. Барча харажат маъмурият ва касаба уюшма ҳисобидан қопланяпти.

Жамоа таркиби асосан ёшлардан иборат бўлиб, 85 фоизини аёллар ташкил этади. Ошхона, дам олиш хоналари, сартарошхона улар хизматида. Шунингдек, бу ерда меҳнат қилувчи соғлиғи ёмонлашса, замонавий шифо масканига мурожаат қилади.

Жамоага кўп йиллардан буён тажрибали мутахассис Ўлмас Машарипов етакчи. У киши ёшларга айниқса меҳрибон. Корхона ишчиларидан бир қанчаси меҳнат қилиш билан бирга олий ўқув юртларида сиртдан таҳсил олишмоқда. Ўлмас отанинг кўмаги туфайли ёшлар ана шундай имкониятга эга бўлишаётир. Бундан ташқари, ўтказиладиган тўй харажатларининг асосий қисми маъмурият томонидан тўланади.

Корхонада янги маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳам кенг йўлга қўйилган. Жумладан, яқинда хориждан макарон ишлаб чиқариш дастгоҳлари келтирилиб, ишга туширилди.

Корхона қарамоғидаги кам таъминланган, ёлғиз, қаровчисиз қолган кексаларга моддий ва маънавий кўмак берилади. Масалан, яқинда ўтказилган хайрия тадбирида 70 нафар меҳнат фахрийсига ёрдам кўрсатилди.

Обод маҳалла йили муносабати билан бу ерда кўплаб ибратли ишлар амалга оширилаяпти. Хусусан, ҳудудни ободонлаштириш, кўкаламзорлаштиришга алоҳида эътибор қаратилган. Тумандаги 2 та болалар боғчаси, 2 та мактаб оталиққа олинган. Ўтган йилда ана шу мактаб ва боғчаларни таъмирлашга 450 минг сўм маблағ сарфланди.

Бир сўз билан айтганда, жамоадаги аҳиллик, тартиб-интизом намунали йўлга қўйилганлиги ишдаги муваффақиятларга асос бўлаётир. Бунинг натижаси ўлароқ, йилига корхона 15 миллион сўмдан ортиқроқ соф даромадга эга бўляпти.

**О.ЭРГАШЕВ,**
**Янгийўл тумани**

# ХАЛҚАРО АНДОЗАЛАРГА МОС

Пойтахтда «Ле Меридиан Тошкент Палас» меҳмонхонасининг тақдимоти бўлиб ўтди. У Тошкент шаҳри аҳолиси ва пойтахтимиз меҳмонлари учун яқинда очилди. Илгари «Тошкент» деб аталган ва Алишер Навоий номидаги Давлат академик катта театри рўпарасида жойлашган меҳмонхона тўлиқ янгиланди ва реконструкция қилинди. У бош қароргоҳи Лондонда жойлашган дунёга машҳур «Ле Меридиан» меҳмонхоналар тармоғи халқаро андозаларига жавоб беради.

«Ле Меридиан» Европа, Америка, Осиё-Тинч океан минтақаси, Африка ва Яқин Шарқдаги йирик шаҳарлар ва курортларда жойлашган 150 дан ортиқ меҳмонхонани ўз ичига олган тармоққа эга.

Таъкидлаш жоизки, «Ле Меридиан Тошкент Палас» шаҳарнинг қоқ марказида, халқаро аэропортгача автомашинада 10-15 дақиқалик масофада жойлашган. Меҳмонхона 250 та стандарт жиҳозланган хонани ва Алишер Навоий номидаги Давлат академик катта театри томонга қараган «люкс» хоналарни таклиф этмоқда.

Меҳмонхона тўлиқ жиҳозланган «Пахтакор» соғломлаштириш марказини тақдим этмоқда, у очиқ сузиш ҳавзаси, фитнес марказ ва бошқаларни ўз ичига олган.

Шунингдек, отелда бизнес-марказ ҳам фаолият кўрсатмоқда. Унда компьютердан, Интернетдан, факс хизматидан фойдаланиш мумкин.

Меҳмонхонанинг учта ресторани - «Тошкент», «Шарқ юлдузи», «Чорраҳа»да энг яхши ўзбек миллий ва чет эл таомларидан тотиб кўриш мумкин. Бу ресторанлар ҳамда «Алишер Навоий» ошхонаси турли маросимлар, кечалар, семинарлар ва конференциялар ўтказиш учун жуда қулай.

**(ЎзА)**

*«Ишонч» фош этади*

# БАНККА КИРИМ ҚИЛМАСДАН...

Мамлакатимизда иқтисодий ислоҳотлар изчил амалга оширилмоқда. Тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришга кенг йўл берилганлиги иқтисодиётни юксалтириш, одамлар турмуш шароитини яхшилашда муҳим омил бўлмоқда. Том маънодаги омилкор, уддабурон кишилар хайрли ишларга қўл уриб, ўзларига ҳам, давлатга ҳам катта наф келтиришмоқда. Бироқ, шундай кимсалар борки, улар фақат ўзларини ўйлаб, эгри йўллар билан бойлик орттиришга зўр беришаяпти.

Амалдаги қонунлар доирасида кенг тушунтириш ва тарғибот ишлари жонлантирилаётганига қарамай савдодан тушган маблағни вақтида банкка топширишни таъминлаш ўрнига киссага ураётган «тадбиркор»лар афсуски оз бўлса-да учраб турибди. Вазирлар Маҳкамасининг назорат касса машинасидан фойдаланишда жавобгарликни ошириш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарорида субъектлар масъулияти ҳақида алоҳида таъкидланган бўлишига қарамай, 276 та якка тартибда фаолият кўрсатаётган жисмоний шахслар тушумни яшириб иқтисодиётга зиён етказиб келаётгани текширувларда маълум бўлди.

Жумладан, Чиноз туманидаги «Балиқчи» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти раҳбари икки ярим йил давомида маҳсулот сотишдан тушган 6507,3 минг сўмни банкка кирим қилмасдан, ўзи билганича ишлатиб юборган. Бекобод туманида жойлашган «Атланта-сервис» хусусий корхонаси раҳбари Т.Ўсаров эса банк муассасаси билан тузилган нақд пул тушумини инкассация қилиш ҳақидаги шартнома мажбуриятига риоя қилмасликни одат қилган. Ойлар мобайнида савдодан топилган 1238,8 минг сўмни ими-жимида ўз мақсадлари йўлида сарфлаган. Қизиғи шундаки, мазкур корхонанинг спиртли ичимликлар сотишга рухсати бўлмасада, айниқса кечки пайтлар бу маҳсулот олди-сотдисига зўр берилган. Сир ошкор бўлгач, тавба-тазарруга ўтди. Бироқ, сўнгги пушаймон ўзингга душман, деб бежиз айтишмайди.

Баъзи кишилар ўзлари билишлари зарур бўлган қонун-қоидалардан яхши хабардор бўлсалар-да, негадир ножўя ишга қўл урадилар. Кибрай тумани ҳудудида жойлашган фуқаро М.Ҳайдаровга қарашли савдо дўкони мутасаддилар томонидан амалдаги қоидалар асосида назоратдан ўтказилганда, у назорат касса машинасини белгиланган тартибда расмийлаштирмаганлиги маълум бўлди. Шунга қарамай, туман ҳокимлиги унга мурувват кўрсатиб, савдо қилиш ҳуқуқини берувчи гувоҳнома билан таъминлаган. Умуман кузатишлар натижасида айрим мутасадди идора, ташкилотларнинг раҳбару мутахассислари юқоридаги каби ноқонуний фаолиятга чек қўйиш ўрнига эътиборсизликка йўл қўйишаётгани маълум бўлди. Қаерда қатъий талабчанлик бўлмаса, муросасозликка йўл қўйилса, қонунбузилишлар кўпаяверади.

Оҳангарондаги «Нурободсавдо» хусусий фирмаси раҳбари А.Давлатов билимдон, ташкилотчи кишилардан бири. Таъкидланганидек, у назоратнинг сустлигидан фойдаланиб, нақд пул тушумининг муайян қисмини назорат касса машинасидан ўтказмаган. Вилоят давлат солиқ назорати ходимлари ҳамда туман прокуратураси қошидаги солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши кураш бўлими мутахассислари аралашувидан сўнггина у тавбасига таянди.

Буларнинг ҳаммаси кимлар учундир катта сабоқ бўлди. Айни пайтда ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари меҳнат жамоалари, муассасалар, маҳаллаларда суҳбатлар, савол-жавоблар ўтказиб, ҳуқуқий саводхонликни таъминлаш пайида бўлишаяпти. Мақсадга эришишда «Очиқ эшиклар куни»нинг ҳам аҳамияти катта бўлмоқда. Эътиборлиси шуки, бу йил маҳалла фаоллари ташаббус кўрсатиб, муҳим ишга муносиб ҳисса қўшиш учун астойдил ҳаракат қилмоқдалар.

**Ғ.АБДУВОҲИДОВ,**
**Тошкент вилоят давлат солиқ бошқармаси бўлим бошлиғи,**
**А.ҲАҚБЕРДИЕВ,**
**«Ишонч» мухбири**

*Таҳлил*

# МЕҲНАТ МУҲОФАЗАСИ КАФОЛАТЛАНМАСА

**Барча жамоат ташкилотлари қаторида мамлакатимиз иқтисодиётини мустаҳкамлаш йўлида касаба уюшма ташкилотларига ҳам янги-янги масъулиятлар юкланмоқда. Жумладан, Ўзбекистон автотранспорт ва йўл хўжалиги ходимлари касаба уюшмаларининг 3-қурултойида меҳнатни муҳофаза қилиш ҳамда иш ҳақидан қарздорликни бартараф этиш юзасидан кўпгина вазифалар белгилаб олинганди. Шу боис яқинда бўлиб ўтган тармоқ касаба уюшмалари Марказий қўмитасининг навбатдаги 5-мажлисида мазкур масалалар ҳаётда қай тарзда ўз аксини топаётганлиги атрофлича муҳокама этилди.**

Тармоқ касаба уюшмалари Марказий қўмитаси, Қорақалпоғистон республикаси, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар касаба уюшма тармоқ қўмиталари, кенгашлар ва бошланғич касаба уюшма ташкилотлари ҳамкорликда Ўзбекистон Республикаси Меҳнат муҳофазаси ва транспортда ҳаракат хавфсизлигини таъминлашга оид қонун ҳамда Низом талабларини бажариш юзасидан кўпгина ишларни амалга оширмоқда. Ишчи-хизматчиларнинг меҳнат самарадорлигини ошириш бевосита уларга кўнгилдагидек хавфсиз меҳнат шароитини яратиш ҳамда ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш билан узвий боғлиқдир. Мана шу муҳим вазифаларни кўнгилдагидек бажариш учун жойларда иш берувчи билан бошланғич касаба уюшма қўмиталари ўртасида жамоа шартномалари тузилган. Уларнинг бандларида меҳнат муҳофазаси масаласига ҳам асосий эътибор қаратилиб, етарли даражада маблағ ажратилган. Ижроси эса корхоналар маъмурияти ҳамда бошланғич касаба уюшма қўмиталарининг доимий назоратида.

Айрим автокорхона, йўл ташкилотларида маъмурият ва касаба уюшма қўмиталарининг саъй-ҳаракатлари билан жамоатчилик комиссиялари фаолияти анча жонланди. Хусусан, «Ўзшаҳарлараротранс» бирлашмасининг ТашАТЕК, «Ташвилтранс» уюшмасига қарашли 2503-, «Самарқандтрасс» уюшмасининг 2522-автожамланмалари, 9-Фарғона автобус саройида «Мерседес-Бенц» сервис марказида, Қўқон кўприк ва йўл қурилиши ҳамда Шаҳрихон туман автомобил йўлларидан фойдаланиш бошқармаларида бу борада ижобий ишлар амалга оширилмоқда. Муҳими, 50 дан зиёд корхоналарда «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонун асосида штатлар жорий этилди. «Тошшаҳарйўловчитранс» тасарруфидаги ҳар бир корхонада эса ушбу муҳим тадбир билан мунтазам шуғулланувчи мутахассис фаолият кўрсатмоқда.

Тошкент вилоятидаги Чиноз, Тошкент, Оҳангарон, Қибрай, Ўртачирчиқ, Юқоричирчиқ, Бўстонлиқ туманларида тармоқ касаба уюшмалари Марказий қўмитаси ёрдамида меҳнат муҳофазаси ва ҳаракат хавфсизлиги, маънавий-маърифий ишлар ва касаба уюшмалари фаолияти ҳақида ҳикоя қилувчи стендлар тайёрланиб, алоҳида хоналар жиҳозланди. Лекин шунга қарамай, тармоқда ишлаб чиқаришдаги жароҳатланишлар ва бахтсиз ҳодиса холатлари учраб турибди. Бу кўрсаткич ўтган йили 59 тага етганди. Шунинг 24 таси ўлим билан тугади. Жароҳат олган ҳамда ҳалок бўлганларнинг оилаларига 40 миллион сўмдан зиёд товон пули тўланди.

24 та ўлим билан боғлиқ бахтсиз ҳодисадан 17 таси йўл транспорт ҳодисасида содир этилган. Шундан 10 таси ҳайдовчиларнинг айби билан содир этилганлиги ҳали бу соҳада анчагина ишларни амалга ошириш лозимлигини кўрсатиб турибди. Мана шуни ҳисобга олиб, меҳнат муҳофазаси учун ажратилаётган маблағ йилдан-йилга ошиб бормоқда. Масалан, ўтган йили мазкур тадбир учун 697 миллион сўм сарфланган. Бу 2001 йилга нисбатан 2 баробар кўпдир.

Қаерда меҳнат муҳофазаси кафолатланмас экан, хавфсиз иш ўрни тўғрисида гап бўлиши ҳам мумкин эмас. Бу ишнинг моҳиятини тўла тушуниб етмаган айрим корхоналарда йўл ҳаракати хавфсизлиги масаласига иккинчи даражали вазифадек қараш кайфияти вужудга келмоқда. Масалан, Бўка тумани автомобил йўллари бошқармасида ҳам худди шундай ҳодиса рўй берди. Бўка шаҳри ўртасидаги катта кучланишли электр сими ва кўча ёритиш линияси тагида МАЗ русумли кран билан темир бетон қувури ўрнатиш вақтида йўл ишчиси Дониёр Бозорбоев ток уриши натижасида ҳалок бўлди.

Иш жойларини аттестациядан ўтказиш масаласи ҳам айрим тармоқ корхоналарида ўз ҳолига ташлаб қўйилган. Текширув далолатномаларининг сифати ҳам талабга жавоб бермайди. Баъзи жойлардаги меҳнат муҳофазаси бўйича вакил ҳамда жамоа комиссияларининг иш фаолияти ниҳоятда суст. Мана шу боисдан, Олмалиқдаги 4-таъмирлаш заводининг ишчиси А.Карамишева бахтсиз ҳодиса туфайли ишлаб чиқаришда тан жароҳати олди.

Тармоқ касаба уюшмалари Марказий қўмитаси иш ҳақини ўз вақтида тўлаш ва қарздорликни бартараф этиш юзасидан ҳам талайгина ишларни амалга оширмоқда. Кечиктирилган иш ҳақи тўловларини ундириш борасида маҳаллий ҳокимият ва прокуратура органларига, тегишли банк муассасалари ва иш берувчиларга расмий мурожаатлар, тақдимномалар киритиш, талаблар қўйиш, суд органларига даъво аризалари билан мурожаат этиш амалиёти кенг қўлланилмоқда. 2002 йил давомида касаба уюшма органлари томонидан кўрилган чора-тадбирлар натижасида 219 миллион сўмликдан зиёд иш ҳақидан қарздорлик ундириб берилди. Иш берувчилар олдига қўйилган 52 та расмий талабнома асосида 99 миллион сўм, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари олдига қўйилган талаб асосида 120 миллион сўм маош меҳнаткашлар қўлига тегди.

Касаба уюшма мажлисларида, раёсат йиғилишларида меҳнат жамоаларининг умумий йиғинларида мазкур муаммо 149 маротаба таҳлил этилиб, жавобгарларга тегишли чоралар кўрилди. Худди шу муаммо 48 марта вилоят, 2 марта республика миқёсида ўрганиб чиқилди.

Лекин тармоқдаги кўпгина корхоналарда ҳали иш ҳақидан қарздорликни бартараф этиш юзасидан кўп иш қилиниши керак. Бу борада «Жиззахтранс», «Бухоротранс», «Андижонтранс» уюшмаларига қарашли касаба уюшмалари етарли фаолият юритмаётганликлари анжуманда танқид остига олинди. Шунингдек, мажлисда ташкилий масала кўрилиб, камчиликларни бартараф этиш, муаммоларни иложи борича жойида ҳал этишга қаратилган аниқ тадбирлар белгиланди.

**Н.НЕЪМАТОВ**







# ГИГАНТ КОРХОНАДА

## ўртача ойлик маош 50 минг сўм

**Кундалик харид моллари орасида ўсимлик мойи алоҳида ўрин тутади. Аҳолини ана шу маҳсулотга бўлган талабини тўлароқ қондириш борасида Қорақалпоғистондаги Беруний «Ёғгар» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятида кўламдор ишлар амалга ошириляпти.**

Гигант корхонада ДКВЭР 6,5-13 буғ етказувчи қозоннинг талаблар даражасида тўлақонли таъмирланиши ва Францияни СТКС-А линияси ўрнатилиши ишлаб чиқариш салмоғини янада оширди. Ўтган ойлар давомида 5 минг тоннага яқин пахта чигити қайта ишланиб, 661 тонна оқартирилган, 308 тонна «Ўзбекистон», 228 тонна қадоқланган ёғ ишлаб чиқаришга эришилди. Шу жумладан, 1 тонна кунгабоқар ёғи ва 3 тонна кунгабоқар кунжараси, 2093 тонна кунжара, 1500 тоннага яқин шелуха тайёрлашга эришилиб, сотувга чиқариш билан бирга 360 нафардан ортиқ фермерларга тузилган шартномалар асосида тарқатилди.

Жамоада ҳозирги кунда 250 нафардан ортиқ ишчи-хизматчилар меҳнат қилишади. Ишлаб чиқариш самарадорлиги ошиши эвазига уларнинг ойлик маошлари айни кунларда 45 минг сўмдан ортиқни ташкил этяпти. Айниқса касаба уюшмаси ва раҳбарият ўртасидаги тузилган шартномани бекаму-кўст бажариб борилиши инсон омилига бўлган эътиборни янада кучайтирмоқда. Бу борада у ерда ишловчиларга ибрат олгулик даражада шарт-шароитлар яратилган бўлиб, уларнинг соғломлаштириш ишларига алоҳида эътибор қаратилган. Шу билан у ерда ишлаб кетган меҳнат фахрийлари ҳам ҳар доим байрамларда корхонанинг тўкин дастурхонига таклиф этилиб, совға-саломлар улашиб турилади.

«Ўзбекистонда хизмат кўрсатган саноат ходими» Қутлумурод Ёқубов, «Кўкрак нишони» медали соҳиби Перахат Омонбоев, Қорақалпоғистон республикаси Жўқорғи кенгеси депутати Сафарбой Салаев, Қорақалпоғистон республикасида «Хизмат кўрсатган саноат ходими» ордени билан тақдирланган Гулистон Аметовлар билан корхона аҳли ҳар доим фахрланишади.

**Болтабой ЭРНАФАСОВ,**
**«Ишонч» мухбири**

**Суратда: корхона ҳаётидан лавҳалар**
**Ғуломжон ХИДИРОВ олган суратлар**

**Тошкент врачлар малакасини ошириш институти ташкил этган уч ҳафталик кўчма амалий ўқув курсида Қорақалпоғистоннинг барча шаҳар ва туманларидан қирқ нафар болалар шифокори малака оширмоқда.**

# ШИФОКОРЛАР МАЛАКА ОШИРМОҚДА

Институтнинг педиатрия кафедраси мудири, профессор Акмал Султоновнинг таъкидлашича, мазкур курс дастури болалар орасида учрайдиган хасталикларни даволашда замонавий тиббиёт усулларини кенг қўллаш, айниқса, қишлоқда оналар ва болалар саломатлигини мустаҳкамлаш билан боғлиқ долзарб масалаларни қамраб олган.

Ўқув курсини ташкил этишдан мақсад - асосан, кўп болали ҳамда оилавий шароити туфайли Тошкентга бора олмайдиган шифокор аёллар малакасини ошириш, уларга тиббиёт соҳасида қўлланилаётган янгиликларни таништиришдан иборат.

# «АММОФОС» АҲОЛИГА

**Олмалиқдаги «Аммофос» очиқ акциядорлик жамияти минерал ўғитни уч килограммлик полиэтилен қопчаларда қадоқлаб савдога чиқармоқда.**

- Фосфорли ўғит экиннинг ўсиши, айниқса, ҳосилдорлигини оширишда катта аҳамиятга эга, - дейди корхона бош муҳандисининг ишлаб чиқариш бўйича муовини Баҳодир Содиқов. - Бироқ томорқа хўжалиги эгалари уни қаёқдан олишни билмай боши қотарди. Шуни эътиборга олиб, қадоқлаш линиясини ўрнатдик. У ойига юз тонна аммофосни қадоқлаш қувватига эга.

Олмалиқ кимёгарлари азотли ўғитлар туркумига кирувчи сульфат аммонийни ҳам қадоқламоқчи. Айни чоғда чорва моллари ҳамда паррандалар учун озуқабоп аммоний фосфат ишлаб чиқариш ҳам ўзлаштирилаётир.

Корхонада тайёрланаётган ёғоч толали плита, майдаланган олтингугурт, электрод каби истеъмол моллари ёнига қўшилаётган бундай харидоргир маҳсулотлар кимёгарлар даромадини кўпайтирмоқда. Йилнинг ўтган беш ойи мобайнида бу ерда ўн миллион сўмликдан зиёдроқ истеъмол моллари ишлаб чиқарилди.

*Яхши ишлаб, яхши яшаётганлар*

# КИЧИК ВА ЎРТА БИЗНЕС

## одамлар турмуш фаровонлигини ошириш имконини бераяпти

**Мамлакатимизда кичик ва ўрта бизнесга кенг йўл очилганлиги оилавий тадбиркорликни ривожлантириш имкониятини яратди. Чунки ҳар бир оила бюджетининг кўпайиши, фаровон ҳаёт кечиришнинг энг мақбул йўлларидан бири тадбиркорликдир.**

Қарши шаҳрида яшовчи якка тартибдаги тадбиркор Сергей Қобилжоновнинг севимли машғулоти асаларичилик. Воҳада унинг қадами етмаган тоғу-тошлар, далаю-даштлар кам. Бундан 13 йил аввал атиги 3 оила асалари боқиш билан иш бошлаган тадбиркор бугунги кунда катта муваффақиятларга эришди. Ҳозир асалари оилалари сони 140 тага етиб, ҳар йили 5-6 тоннадан маҳсулот ишлаб чиқарилмоқда.

Сергейнинг уйидаги компьютер «Интернет» тармоғига уланган. Тадбиркор Россия, Украинадаги ишбилармонлар билан мустаҳкам алоқа ўрнатган. Ҳатто у АҚШнинг Миссури штатида яшовчи асаларичилар Памела ва Ян Браунлар билан учрашиб, тажриба алмашди.

Қаршилик дизайнер Зиёда Ҳайитова эса ўттиз йилдан буён тикувчилик билан шуғулланади. У бундан уч йил муқаддам мустақил равишда маиший-хизмат кўрсатишга аҳд қилди. Якка тартибдаги тадбиркор мақомига эга бўлиб, уйида безакли пардалар тикиш устахонасини очди. Айни кунларда қизи Зулфияга дизайнерлик сирларини ўргатиб, мижозларга намунали хизмат кўрсатаяпти.

- Ҳам одамларнинг оғирини енгил қилаяпман, ҳам рўзғоримизга қут-барака кираяпти, - дейди биз билан суҳбатда Зиёда опа. Бошқача айтганда ҳунаримиз туфайли тўқ ва фаровон турмуш кечираяпмиз.

Ҳозирги кунда тижорат банклари томонидан иш билан таъминлашга кўмаклашувчи давлат жамғармаси ҳисобидан оилавий тадбиркорлик субъектларига имтиёзли микрокредитлар ажратилаяпти. Масалан, жамғарма томонидан вилоятдаги оилавий тадбиркорларга 2002 йилда 172,4 миллион сўм маблағ берилди.

Ажратилган кредитлар чорва моллари, уруғлик, кўчат сотиб олиш, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш, касаначилик, халқ бадиий ҳунармандчилиги ва амалий санъати буюмлари ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва бошқа мақсадларга сарфланди.

Жорий йилнинг ўтган ойларида эса 400 дан зиёд оилавий тадибркорлик субъектларига 240 миллион сўм молиявий кўмак берилди. Кам таъминланган, серфарзанд, шунингдек, етим болаларни васийликка олган оилалар, ногиронлар, фахрийлар ва аҳолининг бошқа ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламлари учун қатор имтиёзлар яратилди.

Оилавий тадбиркорлик давлат томонидан доимо қўллаб-қувватланмоқда. Шунга қарамасдан Қарши шаҳрида бу соҳага 29,4, Шаҳрисабзда 27 миллион сўм кредит ажратилгани ҳолда Косон ва Муборак туманларида бундай хайрли ишлар амалга оширилмаганлиги кишини таажжублантиради. Масалан, якка тадбиркорлик фаолиятига Нишонда 4,5, Миришкорда 8,9, Ғузорда 10,6 миллион сўмлик кредитлар берилган холос. Ҳолбуки, бу туманларда оилавий тадбиркорлик билан шуғулланиш ниятида микрокредитлар ололмасдан, сарсон бўлиб юрган кишилар кўпчиликни ташкил этади.

Якка тартибдаги фаолият кўрсатаётган тадбиркорлик субъектларига микрокредитлар икки йилгача, кредитни қайтариш муддатини узайтириш ҳуқуқи берилади. Бироқ айрим ишбилармонлар ушбу муддат ўтганлигига қарамасдан тижорат банкларидан олган қарзларини тўлашга ошиқмаяптилар.

**И.ҚАРШИЕВ**

# ЙИРИК КОМПАНИЯЛАР ИШТИРОК ЭТДИ

Тошкентда АҚШнинг мамлакатимиздаги элчихонаси ҳам АКСЕЛС ташкилоти томонидан АҚШ ҳукуматининг таълим алмашинуви дастурлари битирувчилари учун меҳнат ярмаркаси ташкил этилди.

Ҳар йили 200 нафардан зиёд талаба АҚШнинг нуфузли олий ўқув юртларини тугатиб юртимизга қайтади. Ушбу меҳнат ярмаркаси ҳам ёшларнинг уммон орти мамлакатида оширган билим тажрибаларидан самарали фойдаланиш ва уларни иш билан таъминлаш мақсадида ташкил этилди. Икки йилдан буён ўтказилаётган мазкур меҳнат ярмаркасида мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган йирик компаниялар вакиллари иштирок этдилар.

Анжуманда қўшма корхоналар ходимлари ўз фаолиятлари ҳақида маълумот бериб, ишчи-хизматчиларга қўйиладиган талабларни таъкидлаб ўтдилар.

**"Туркистон-пресс"**

# ХАЙРЛИ ТАШАББУС

**«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Самарқанд вилоят кенгаши ҳар бир туманда биттадан спорт майдончаси барпо этиш ташаббуси билан чиққан эди. Темирйўл тумани камолотчилари вилоятда биринчи бўлиб бу ташаббусни амалга оширди.**

Суғдиёна мавзесидаги «Шодлик» маҳалласи ҳудудидаги ташландиқ ер қисқа фурсатда замонавий болалар спорт майдончасига айлантирилди. Мавзедаги кўп қаватли уйларда истиқомат қилаётган юзлаб болалар бу ерда мини-футбол, баскетбол, волейбол, енгил атлетика каби спорт турлари билан шуғулланишлари мумкин. Кичкинтойлар учун эса турли аттракционлар ҳам қурилган.

- Бу жуда ажойиб иш бўлди, - дейди «Шодлик» маҳалласида яшовчи Зуҳра Шарипова. - Фарзандларимиз спорт майдончасидан бери келмайдиган бўлиб қолди. Уларнинг фойдали иш - спорт билан шуғулланаётганидан жуда хурсандмиз.

**(ЎзА)**

# ҚАТОРТОЛНИНГ ЯНГИ ГУЗАРИ

**Обод маҳалла йилида маҳаллаларимиз кўркига кўрк қўшаётган гузарлар сони тобора кўпаймоқда.**

Зангиота туманидаги Қатортол қишлоғи марказида янги, замонавий гузар фойдаланишга топширилди. Бу ерда асосан аҳолига хизмат кўрсатиш шохобчалари жойлашган. Ошхона, кафе, пойабзал тузатиш устахоналари, сартарошхона, савдо дўконлари шулар жумласидандир. Хусусий тадбиркор Ҳ.Ҳошимбеков саъй-ҳаракати билан бунёд этилган гузар қишлоқ чиройига чирой қўшди. Бундай гузарлар туманнинг «Эркин», «Чиғатой-Оқтепа» қишлоқларида ҳам ишга туширилди.

# СПОРТ ТОВАРЛАРИ КЎПАЙМОҚДА

**Бухоро механика-таъмирлаш заводида гимнастика жиҳозлари, тренажёрлар, баскетбол шитлари, волейбол устуни, турли оғирликдаги гантеллар, хуллас, ўн саккиз турдаги спорт анжомлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.**

Ушбу маҳсулотлар Бухоро минтақавий синов ва сертификатлаш маркази томонидан талабларга тўла мос келиши эътироф этилди.

Заводнинг янги маҳсулотларига буюртмалар кўпаймоқда. Жумладан, Бухоро туманига бир миллион сўмлик спорт жиҳозлари етказиб берилди.

# ФЕРМЕРНИНГ ЁН ДАФТАРИ

**Деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмасининг вилоят вакиллиги томонидан тайёрланиб, «Насаф» нашриётида чоп этилган «Фермернинг ён дафтари» қўлланмаси воҳа ишбилармонларига маъқул бўлди.**

Қўлланмани тайёрлашда ишлаб чиқишга дахлдор меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳамда қишлоқ хўжалигига оид йўриқномалардан фойдаланилган. Китобчага бизнес-режа ва шартномалар тузиш, солиқ тўловларини амалга ошириш, мол-мулк ва маҳсулотни суғурталаш, агротехника қоидаларига риоя этиш бўйича тавсиялар ҳамда фермер хўжаликларига оид меъёрий ҳужжатлар киритилган.

**(ЎзА)**

*Мулоҳаза учун мавзу*

# ҚИШЛОҚ МАДАНИЯТ УЙЛАРИ

## «фаолияти»га бир назар

**Илгарилари қишлоқ маданият уйларининг эшиклари ойлаб, айримларининг йиллаб очилмаслигида маданият ходимлари айбдор ҳисобланарди. Шу боис ушбу мақолани ёзиш арафасида, улар фаолиятига кўпроқ тўхталиш ниятида эдик. Лекин масалани чуқурроқ ўргангач, қишлоқ маданият уйларидаги аҳволнинг сабаблари ҳақида кенгроқ мулоҳаза юритиш зарурати туғилди.**

Пахтачи туманида 21 та маданият уйлари бор. Уларнинг аксарияти 400-450 ўринга мўлжалланиб замонавий лойиҳа асосида қурилган. Аммо улар қаровсиз қолган. Бу ерларда гоҳ-гоҳидагина тадбирлар ўтказилади. Чунки қишлоқ маданият уйлари ширкат хўжаликлари томонидан маблағ билан таъминланмайди. Жиҳозлар, мусиқа анжомлари, саҳна либослари йўқ. Тўгараклар, бадиий ҳаваскорлик гуруҳлари деярли тарқаб кетиб бўлган. Рақамларга мурожаат қилайлик. Туман маданият бўлими бўйича пулли хизмат тушумлари режаси бажарилмаган. Нимага деганда ширкат хўжаликлари шартнома имзолаган бўлса-да, маданият уйларига маблағ кўчиришмаган. Туман маданият ишлари бўлими мудири Қ.Бўроновнинг таъкидлашича, ширкат хўжаликлари байрамлар муносабати билан вилоят ва туманда ўтказилган марказий тадбирлар учун 850 минг сўм пул ажратишган. Бу пулларга асосан марказдан санъаткорлар таклиф этилган. Фикримизча, туман раҳбарлари ишлаб чиқаришни ривожлантиришни ўйлаш билан бирга, меҳнаткашларнинг ҳордиқ чиқаришини ташкил қилишга, маданият уйлари ишини йўлга қўйишга ҳам эътибор беришлари керак. Масалан, узоқдан келаётган санъаткорларга тўланадиган катта миқдордаги ҳақ эвазига қишлоқ маданият уйларини обод қилиб қўйиш, қишлоқдаги истеъдодли бадиий ҳаваскорларни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш мумкин.

Шундай қилиб молиявий танқислик маданият уйлари имкониятини бутунлай чеклаб қўйди. Айниқса, техникалар масаласида. Ҳозир улар ихтиёрида мослаштирилган махсус автомашиналар йўқ. Бу аҳволда улар меҳнаткашлар ҳузурига қандай боради. Бундан ташқари замонавий мусиқа асбобларисиз аҳолига сифатли хизмат кўрсатиб бўладими?

Маданият уйлари қошидаги бадиий ҳаваскорлик гуруҳлари ихтиёридаги мусиқа анжомлари асосан даста аъзоларининг ўз ҳисобидан харид қилинади. Шундай бўлгач, маданият муассасалари раҳбарлари улар фаолиятини бошқаролмайди-да. Бадиий даста уларга на ижодий, на молиявий ҳисобот беради. Шу сабабли Пахтачи тумани маданият бўлими ҳисоб рақамига унинг тасарруфидаги бадиий дасталар тўйларда кўрсатилган хизмат ҳисобидан бадал туширмаган. Бўлимга қарашли йигирмага яқин бадиий даста бор. Бундан ташқари айтишларича, 60 га яқин ҳар хил гуруҳлар тўй-маросимларда хизмат қилиб юради. Улар солиқ идораларига патент тўлашади, холос.

**Р.ҚУРБОНОВ,**
**«Ишонч» мухбири**






Ш.САРИЕВ олган сурат

Самарқанд вилоятининг Иштихон туманидаги сўлим гўшаларда барпо этилган «Қувноқ» болалар дам олиш оромгоҳи айни дамларда ўғил-қизларни бағрига олган. Келажагимиз эгалари масканда кўнгилдагидек ҳордиқ чиқаришлари учун барча қулайликлар муҳайё этилган.



«Қизилқумцемент» ҳиссадорлик жамиятида цемент билан бир қаторда, майдаланган шағал тайёрлаш ҳам йўлга қўйилди. Янги ишга туширилган бу линия корхона хазинасига 20-30 миллион сўмлик қўшимча маблағ олиб келади.

## БУЮРТМАГА ХАРИДОР ОРТДИ

Айни пайтда ««Навоийавтойўл» давлат акционерлик бирлашмаси,». Навоий қурилиш бошқармаси, хусусий қурилиш корхоналари ва аҳолидан кўплаб буюртмалар тушмоқда. Эндиликда корхона ихтирочилари ва мутахассисларининг изланишлари туфайли клинкер, термоактив минерал қўшимчалар, ўтга чидамли ғишт каби қурилиш материаллари ҳам шу ерда тайёрланмоқда. Ишлаб чиқариш кўламининг ошиши, корхонанинг иқтисодий мустаҳкамланишига олиб келди.

*Демократик ҳуқуқий давлат сари*

# ТАДБИРКОРЛИК

## фаолиятини такомиллаштирувчи омиллар

Тадбиркорликни давр талаблари даражасида ривожлантиришда молиявий тизим асосий омиллардан бири ҳисобланади. Ўзбекистон Президенти Фармонлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорларининг ҳаётга изчил татбиқ этилиши шарофати ила банк ва нобюджет фондлар маблағлари кичик ва ўрта бизнес манфаатига йўналтирилаётганлиги мақсадга эришишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Жаҳон тажрибаси шундан далолат берадики, тадбиркорлар нечоғлик кўп эркинликка эга бўлса, бозор рақобати муҳити шунчалик тез ривожланади. Бироқ бозор шароитида хайрли ишга бел боғлаган, омилкор, уддабурон кишиларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларга қулай шарт-шароитлар яратиш тақозо этилади.

Равшанки, банклар бугунги кунда мамлакатимиз иқтисодиёти ривожига, ислоҳотларнинг изчил амалга ошувида муҳим аҳамият касб этмоқда. Хусусан, тадбиркорликнинг ривожланиши, фермер хўжаликлари тараққиёти, мамлакатимиз миқёсида амалга оширилаётган улкан яратувчилик ишларида уларнинг мадади сезиларли бўлаётганлигини барча ҳис қилиб турибди. Шу ўринда мисол келтирсак. «Пахтабанк»нинг Наманган вилояти бошқармаси кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаб ўн икки ой ичида бир миллиард 320 миллион сўмдан ортиқ кредит ажратди. Бунинг натижасида 1100 дан ортиқ янги иш ўринлари яратилди. Унинг қарийб 40 фоизи қишлоқ хўжалик тармоғига тўғри келади. Ушбу тармоқда фаолият юритаётган тадбиркорларга қарийб 400 миллион сўм кредит берилиб, унга керакли техника, уруғлик, чорва моллари сотиб олинди.

Хорижий кредит линияларини ўзлаштириш борасида ҳам хайрли ишларга қўл урилмоқда. Кичик ва ўрта бизнес субъектларини чет эл сармояси иштирокида кредитлашда асосий эътибор экспортбоп ёки импорт ўрнини босувчи маҳсулот ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган лойиҳаларни молиялаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Яхши ният билан Чуст туман агрофирмаси қошида мевадан шарбат тайёрлаш лойиҳаси банк томонидан маъқулланди. Лойиҳа экспертизаси ва келгусида уни молиялаштириш мақсадида тегишли идораларга тақдим этилди.

Тўғри, бу борада ҳали ечимини кутаётган муаммолар, ҳал этилиши лозим бўлган масалалар етарли. Бироқ мижозлар ишончини оқлаётган банклар сони ортиб бораётир. Тадбиркор М.Боймуров ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки Янги Нишон бўлими орқали ўз ҳисоб рақамини очиб, 514.500 сўм имтиёзли кредит олганди. Шунинг ҳисобидан хусусий фирма ташкил этди. Японияда ишлаб чиқарилган энг яхши компаниянинг минг номерли радиотелефони станциясини ташкил этиб, фермер ва деҳқон хўжаликлари ишини янада такомиллаштирди. Шу билан бирга аҳолига маҳаллий телевидение хизмати кўрсатиш имкони яратилди. Саъй-ҳаракат ўзини оқлади. Тадбиркор мўмай даромад қилмоқда.

Якка тадбиркор Одинахон Рўзиева «Пахтабанк»нинг Қўрғонтепа туман бўлими орқали 1,5 миллион сўмлик кредит олганди. У ўзига берилган имкониятдан унумли фойдаланиб, сидқидилдан меҳнат қилди. Тез орада кичик цех ишга тушди. Ўнга яқин маҳалладошларини иш билан таъминлади. Унинг издоши Хожалхон Умарова эса имтиёзли кредит ҳисобидан тикув-бичув устахонаси очди. Эндиликда бу ерда тайёрланаётган аёллар ва болалар кийим-кечакларига харидор сероб. Эътиборлиси шуки, кредит қўйилмаси аллақачон қопланиб, энг яхши маҳсулотлар харидорларга етказиб берилмоқда.

Таҳлил шуни кўрсатмоқдаки, ўз имкониятларини, қобилиятини ҳисобга олмаган баъзи кишилар тадбиркорликка қўл уриб, аттанг деб қолмоқдалар. Улар банкдан олинган кредитни ўзга мақсадларда фойдаланиб, аввало ўзларига жабр қилишмоқда.

Жойларда тадбиркор ишини енгиллаштириш, уларни тегишли ахборотлар билан таъминлаш борасида ҳам аниқ тадбирлар амалга оширилаяпти. Хусусан, банк бўлимларида омилкорлар учун махсус бурчаклар ташкил этилган. Унда тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш бўйича Президент Фармонлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари, кредитлар бериш бўйича йўриқномалар, уларни расмийлаштириш намунавий нусхалари акс эттирилган.

**Мирраҳим ОДИЛОВ,**
**Шухрат БОБОМИРЗАЕВ,**
**Тошкент молия институти магистрантлари**

# ОҚАР СУВ ҲИСОБСИЗ ЭМАС

***– Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ тўловчилар тоифасига тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш жараёнида сувдан фойдаланувчи жисмоний шахслар, шу жумладан, деҳқон хўжаликлари ҳам киритилган, деб эшитдик. Айтингчи, бундай тоифа учун сув солиғи қандай ҳисобланади?***

*Жумабой* **МИРЗАЕВ,**
**тадбиркор**

Бу саволга Давлат солиқ қўмитаси жисмоний шахслар томонидан солиқ тўғрисидаги қонунлар бажарилишини назорат қилиш Бош бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Нурилла Умаров жавоб беради.

– Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 30 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2003 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги 455-сонли қарорининг 12-иловаси 4-бандида деҳқон хўжаликлари ҳамда ўз фаолиятида сувдан фойдаланадиган тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахслар учун фойдаланилган ҳар бир кубометр ер усти сувларига 15,8 тийин ва ер ости сув ресурсларига эса 20,2 тийин миқдорида солиқ ставкалари белгиланган.

Участка солиқ инспекторлари томонидан ўтказилган инвентаризация даврида деҳқон хўжаликларининг суғориладиган ер майдонлари учун тақдим этилган тўлов хабарномасида мол-мулк, ер ҳамда сув солиғи суммалари кўрсатилган бўлиши керак. Одатда бундай хабарномалар 1 майгача етказиб берилади.

«Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқларни ҳисоблаш ва тўлаш тартиби тўғрисида» ги йўриқноманинг 5-бандида амалда фойдаланилган сув ҳажми солиққа тортилиши таъкидланган бўлиб, бунда участка солиқ инспектори деҳқон хўжалиги томонидан 2002 йил давомида фойдаланилган сув ҳажми аниқланади ва тўлов хабарномаси ёзиб берилади.

Бунинг учун аввало 2002 йилда жамоа (ширкат) хўжаликларининг бир гектар ер майдонига сарфланган сув ҳажми аниқланади ва у деҳқон хўжалигининг суғориладиган ер майдонига нисбатан бўлинади. Агар хўжаликнинг ер майдони 0,5 гектар бўлса бир гектар учун сарфланган сув ҳажмининг ярми, агар 0,25 гектар бўлса сув ҳажмининг чорак қисми бўйича ҳисоб-китоб қилинади.

Масалан, гурланлик Камол Оллоберганов бошлиқ деҳқон хўжалигининг 0,25 гектар суғориладиган ер майдони бор, деб фараз қилайлик. Ушбу деҳқон хўжалиги жойлашган жамоа хўжалигидаги ерларнинг бир гектарига йил давомида 10 минг кубометр сув сарфланган бўлса, 0,25 гектар ерга сарфланган сув 2500 кубометрни ташкил этади. Ҳар бир кубометр сув солиғининг ставкаси 15,8 тийин бўлса, демак, К.Оллоберганов 0,25 гектар ер учун йилига 395 сўм сув солиғи тўлайди.

Йўриқноманинг 16-бандига мувофиқ деҳқон хўжаликлари сув солиғини ҳисобот йилининг 15 декабригача тўлашлари керак бўлади.

# БИЗДАН СЎРАГАН ЭДИНГИЗ





## Саволларингизга ҳуқуқшунос Аҳмаджон Эшонқулов жавоб беради

***САВОЛ: агар ходим пенсия ёшига етиб ёшга доир қарилик пенсиясига чиққанидан кейин ёки ходим ўз хоҳиши билан ишдан бўшаганидан сўнг 5 кун ёки 1 ой ичида бемор бўлиб касалхонага тушиб даволаниб чиқса унинг касаллик варақасига бемор бўлган кунлари учун ҳақ тўланадими ёки йўқми?***

**Хурсан ҲАМРОЕВ,**
**Бойсун тумани**

**ЖАВОБ:** давлат ижтимоий суғуртаси бўйича нафақалар тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги 1136-сонли 2002 йил 8 майдаги Низомнинг 1-қисми 4-бандига мувофиқ айрим ҳолларда, яъни меҳнат шартномаси алоҳида асосларга кўра бекор қилинганидан кейин (Меҳнат Кодексининг 67-моддасида меҳнат шартномаси алоҳида асосларга кўра бекор қилинганда моддий мадад бериш учун қўшимча кафолатлар белгиланган) 1 ой ичида вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик ёки ҳомиладорлик ва туғиш таътили бошланган бўлса, нафақа яшаш жойидаги туман (шаҳар) ижтимоий таъминот бўлими томонидан тўланади.

Ушбу тартиб Ўзбекистон Қуролли Кучларидаги муддатли хизмат сафидан бўшатилган собиқ ҳарбий хизматчиларга ҳам қўлланилади.

Пенсионерларга эса ушбу ҳолат назарда тутилмаган. Чунки ходим давлат пенсия таъминоти тўғрисидаги қонунга мувофиқ ёшга доир пенсияга чиққанларидан сўнг албатта давлат томонидан пенсия билан таъминланадилар.

***САВОЛ: 1 апрелдан бошлаб уй-жой коммунал хизматлар ҳақини тўлаш бўйича компенсация пул тўловлари жорий этилди. Компенсация олишга ҳақли бўлган шахслар рўйхатига шахсий пенсионерлар ҳам киритилганми? Ишламаётган пенсионерларга пенсиялари почта орқали тўлаб келинмоқда. Ишлаётган пенсионерларнинг пенсиялари қонунга биноан қандай тўланиши керак.***

**А.ИСАНБОЕВ,**
**Бобуршоҳ кўча 100 уй**

ЖАВОБ: Ўзбекистон республикаси Президентининг 2003 йил 27 мартдаги Фармони VII-3227-сонли иловасининг 12-бандига мувофиқ шахсий пенсионерлар ҳам уй-жой коммунал хизматлари тўловлари учун компенсация пули олиш ҳуқуқига эгадирлар. Ушбу Фармоннинг бажарилиши юзасидан 2003 йил 3 апрелдаги Молия вазирлигининг 49-сонли ва Меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш вазирлигининг 45-сонли қарори қабул қилиниб жойларда, компенсация пулларини тўлаш тўғрисида Низом ишлаб чиқилган. Ушбу Низомга мувофиқ ишлаб турган пенсионерларга иш жойларидан қолган барча пенсионерларга эса ижтимоий таъминот бўлимлари томонидан пенсия пулларига қўшиб тўланади.

***САВОЛ: 1. 2000 йил 4 апрелдан умумий касаллик бўйича II гуруҳ ногиронлиги бўйича нафақага чиқдим. Айтингчи 2000 йилда ишлаган уч ойлигимни бир йил стаж ҳисобига киритиш мумкинми?***

***2. 2003 йил 1 майгача нафақа оширилгунга қадар 17500 сўм нафақа олаётгандим. Шу тўғрими?***

***3. 1986-1990 йилларда ишлаган иш ҳақимни ҳисоблаб чиқдим - ўртача ойлик иш ҳақим 266 сўмни ташкил қилди. Шу асосда ойлик нафақам қанча бўлишини ҳисоблаб аниқ айтиб берсангиз.***

***4. II гуруҳ ногиронларига қонунчилигимизда коммунал хизмати бўйича шунингдек, яна бирон бир бошқа имтиёзлар борми? Шу ҳақда ҳам маълумот берсангиз?***

**А.РАҲИМОВ,**
**Шўрчи тумани**

**ЖАВОБ:** 1. «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги қонуннинг 17-моддасига мувофиқ Сизга ногиронлик пенсияси тайинланган. Ушбу қонуннинг 31-моддасига мувофиқ меҳнат стажи учун фақат тўлиқ календар йили олинади. Уч ойлик иш стажингизни бир йил меҳнат стажи ҳисобида олиш мумкин эмас.

2. Ушбу қонуннинг 31-моддасига мувофиқ Сиз барча меҳнат фаолиятингиз давомидаги хоҳлаган вақтдаги кетма-кет келган беш йиллик иш ҳақидан пенсияни қайта ҳисоблатиш ҳуқуқига эгасиз.

Ўзбекистон республикаси Президентининг 2003 йил 2 апрелдаги иш ҳақи, пенсия, стипендия ва ижтимоий нафақалар микдорини ошириш тўғрисдаги фармонига мувофиқ иш ҳақларига тузатувчи коэффицентлар жорий этилиб пенсия миқдори қайта ҳисоблаб борилади. Шу сабабли яшаш жойингиздаги туман ижтимоий таъминот бўлимига иш ҳақи тўғрисидаги маълумот билан мурожаат қилсангиз қайта ҳисоблаб чиқишлари мумкин.

3. Сиз таклиф этган иш ҳақи тўлиқ ойлар билан кўрсатилмаганлиги сабабли қайта ҳисоблаш имкони бўлмади.

4. Ўзбекистон республикаси Президентининг 2003 йил 27 мартдаги уй-жой коммунал хизматлар ҳақини тўлаш бўйича бериладиган имтиёзлар ўрнига компенсация тўловларини жорий этиш тўғрисидаги Фармонига асосан уруш ногиронлари ва уларга тенглаштирилган шахслар, ёлғиз ва шахсий пенсионерлар, I гуруҳ кўз бўйича ногиронлар ва уруш ортида меҳнат қилганларга компенсация тўловлари назарда тутилган. Аммо Сиз олаётган пенсия умумий касаллик бўйича II гуруҳ ногиронлиги ушбу рўйхатда кўрсатилмаган.





Қуйи Чирчиқ туманидаги «Дўстобод-нон» ишлаб чиқариш корхонасида тайёрланаётган маҳсулот турлари кўпайиб бормоқда.

Шу мақсадда бозор талаблари ҳар томонлама ўрганилиб, харидоргир маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйишга ҳаракат қилинаяпти. Юзга яқин киши меҳнат қилаётган корхонада 15 турдаги нон ва нон маҳсулотлари тайёрланмоқда. Энг муҳими, корхонанинг бўрсилдоқ ва сифатли маҳсулотлари истеъмолчиларга тобора манзур бўлмоқда.

**Юртимиз ғаллакорлари, деҳқонлари диққатига!**

# АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ «ПАХТА БАНК»

***Жорий йилнинг 1 июнидан бошлаб 31 июлига қадар бўлган давр мобайнида 1 йил муддатга очилиб, йиллик 54 фоиз даромад тўланадиган «Ҳосил» жамғарма омонатини таклиф этади***

*Ушбу омонатга маблағингизни «Пахта Банк»нинг исталган бўлимига қўйишингиз ва ҳар ойда фоизли даромадингизни олиб боришингиз мумкин.*
*Хирмонингиз баракали бўлсин азиз юртдошлар!*
*«Пахта Банк» фаровонлигингиз калитидир!*

*Касаба уюшма тадбири*

# 45 ЁШГАЧА ВА УНДАН ЮҚОРИ

***Пойтахтимиздаги «Учқун» спорт-соғломлаштириш мажмуи янада байрамона тус олди. Мухлису ишқибозлар билан гавжумлашган бу масканда йиғилган спортчиларни бир-бирларига ўзгача бир меҳр бирлаштирди. Чунки меҳнат аҳлини бу ерда мусобақалашишга барчани бирдек ўзига мафтун этаётган спорт тури — теннис жамлади.***




Ўзбекистон ёқилғи-энергетика, геология ва кимё саноати ходимлари касаба уюшма Марказий қўмитасининг Истиқлолнинг 12 йиллигига бағишлаб ўтказган теннис бўйича Республика турнирининг финал босқичида дастлаб туманларда, сўнгра вилоят миқёсида сараланган, энг кучли деб тан олинган спортчилар — тармоқ ишчи-хизматчилари иштирок этдилар.

Мусобақалар эркаклар ва аёллар ўртасида ўтказилиб, яккалик ҳамда жуфтлик учрашувларида ғолибу совриндорлар аниқланди. Шунингдек, яккалик баҳсларида теннисчилар «45 ёшгача» ва «46 ёшдан юқори» тоифаларига бўлинган ҳолда баҳслашдилар.

45 ёшгача бўлган эркаклар баҳсларида омад Тошкент-1 жамоаси вакили Александр Раҳмоновга кулиб боқди. Иккинчи ўринга Қашқадарё вилояти жамоаси теннисчиси Муҳиддин Шодиев, учинчиликка Наманган вилояти вакили Одил Лутфуллаев чиқди.

46 ёш ва ундан юқори тоифадаги эркаклар ўртасида ҳам ғолиблик Тошкент-1 жамоаси теннисчиси Анатолий Гончаровга насиб этди. Самарқандлик Григорий Бушуев иккинчи, хоразмлик Улуғбек Воисов учинчи бўлдилар.

Аёллар ўртасидаги мусобақалар ҳам жуда қизиқарли ва ҳаяжонли дақиқаларга бой бўлди. Эпчиллик ва техникавий мукаммал ўйин кўрсатган пойтахтлик яна бир теннисчи — Тошкент-1 жамоаси аъзоси Юлия Муковникова 45 ёшгача бўлганлар ўртасида пешқадам бўлди. Тошкент-2 жамоаси теннисчиси Наталья Модина иккинчи, Тошкент вилояти жамоаси спортчиси учинчи ўринни қўлга киритди.

46 ёш ва ундан юқори тоифада биринчилик Навоий вилоятилик Людмила Ивановага насиб этди. Тошкент-1 жамоасидан Ирина Рацбаум иккинчи, Тошкент-2 теннисчиси Алла Копирзова учинчиликка эришди.

Эркаклар ўртасидаги жуфтлик баҳсларида эса ҳар бир жуфтлик маҳоратини намоён этиб, ўз жамоасининг пухта тайёргарлигини кўрсатди. Ва ниҳоят, самарқандлик Олег Левашов ва Григорий Бушуев жуфтлиги шоҳсупанинг энг юқори поғонасидан ўрин олди.

Аёллар жуфтлигида пойтахтлик Юлия Муковникова ҳамда Ирина Рацбаум ғолиб деб топилдилар.

— Жамоамизнинг ҳар йили тармоқ касаба уюшма Марказий қўмитасининг ташаббуси билан Мустақиллик байрами олдидан анъанавий равишда ўтказиладиган Республика теннис турнирига пухта тайёргарлик кўришида касаба уюшмаси алоҳида ёрдам кўрсатади, - деди турнирдан сўнг 45 ёшгача бўлган эркаклар баҳси ғолиби А.Раҳмонов. — Тармоқ касаба уюшма Марказий қўмитаси, қолаверса, унинг қошидаги «Нурчи» жисмоний тарбия ва спорт жамиятининг тармоқ меҳнаткашлари ўртасида спортни оммалаштириш борасидаги саъй-ҳаракатлари натижасида йилдан йилга меҳнат аҳлининг спортга бўлган меҳр-муҳаббатлари ортиб бормоқда. Ўз-ўзидан сафларимиз кенгайиб, янги-янги қобилият эгалари кашф этилмоқда. Аҳамиятли томони шундаки, бу каби спорт тадбирлари катта кортларга ҳам йўлланма бўлмоқда.

Умумжамоа ҳисобида натижаларга кўра зафарларга бой ўйин кўрсатган Тошкент-1 жамоаси шоҳсупанинг энг юқори поғонасидан ўрин олди. Тошкент-2 жамоаси иккинчи, Самарқанд вилояти жамоаси учинчи ўринни забт этдилар.

Ғолибларга тармоқ касаба уюшма Марказий қўмитаси таъсис этган қимматбаҳо совринлар топширилди.

**Муҳаббат ЎРМОНБЕКОВА,**
**ЎзКУФК матбуот котиби**

*Фахр*

***Қўқон шаҳар ўлкашунослик музейига ташриф буюрган австралиялик санъатшунос олима Дий хоним Манзурахонни бир кўришдаёқ ёқтириб қолди. Истараси иссиқ бу ўзбек аёли билан Дий хоним таржимон орқали суҳбатлашаман, деб ўйлаган эди. Йўқ, музей директори Манзура Мансурова соф инглиз тилида меҳмонни ўзбекларга хос лутф ва тавозе билан кутиб олгач, музей бўйлаб саёҳатга бошлади.***

# МУЗЕЙНИНГ ОҲАНРАБОСИ БОР

– Атлас кўйлагининг ярашганини-я, мисоли тоғ лоласи. Худди ўз уйига меҳмон келгандек севинади, - деб ўйларди Дий хоним, - сўзлари ҳам дадил, бурро, қадамлари шаҳдам. Ўз ишига бунчалар ҳам меҳр қўйган экан.

Манзурахон меҳмонни аввало Қўқоннинг сўнгги хони Худоёрхон ўрдаси билан таништирди. XIX асрнинг маҳобатли обидаларидан бўлмиш бу кўркам саройнинг нақшинкор кошинлари, ажойиб ранглар билан сирланган деворлари, дарвозалари, пештоқларига битилган настаълиқ ёзувларидаги «Қуръони карим» оятлари ҳақида жўшиб, ифтихор билан сўзларкан, меҳмон гоҳ Манзурахонга, гоҳ атрофидаги мўъжизага лол термулар, «Ажойиб, қойил!» дейишдан бўшамасди. Унинг бу таърифи саройнинг бетакрор гўзаллигига, айни вақтда мезбоннинг мароқли ҳикоясига қарата айтилаётган эди.

– Биргина Қўқоннинг ўзида 400 дан зиёд мадраса бўлган, - дейди Манзурахон девордаги суратларга ишора қилиб, – уларда барча аҳоли илм-ҳунар ўрганишган. Ана шунинг учун ҳам Қўқонда қадимдан илм-ҳунар ривож топган. Қўқонлик меъморлар, ганчкору дурадгорлар, заргарлар, кандакорларнинг довруғи оламга кетган.

Мана, уларнинг қўлидан чиққан ноёб мис идишлар, ёғоч ўймакорлиги асарлари... Мана, кулолчилик ашёлари, читгарлар тўқиган газламалар, косибчилик буюмлари... Мана, Қўқоннинг машҳур қоғозига ёзилган қўлёзмалар... Шаҳарнинг 12 та дарвозаси бўлган ва улардан бири – бундан 200 йил олдин ясалган улкан дарвоза нақшларида Қўқон дурадгорлик санъати намоёндир...

Меҳмон ипак билан тикилган «Палак» ва бошқа каштачилик буюмлари қаршисида ҳавас билан узоқ термилиб қолди.

– Ўзбек аёлининг қўли гул, диди ниҳоятда нозик экан! - деди ниҳоят у. – Мана, чаман очилган гулларнинг тасвирига сўз ожиз, нақшларнинг, айниқса рангларининг такрори йўқ, қиёси йўқ. Гўзал, ғоятда гўзал!

Хуллас, меҳмон жуда синчков, билимга чанқоқ чиқиб қолди. Бу ердаги қирқ мингтадан ортиқ турли экспонатнинг ҳар бирини қизиқиш билан кўздан кечирди. «Кўзим ўнгида халқингиз юксалиб кетди» деди у. Меҳмонда ҳашар, тўй каби миллий анъаналаримиз акс этган ва қўқонлик машҳур олимлар, ёзувчилар ва санъаткорлар ҳақидаги кўргазмалар ҳамда музейнинг ўн мингтадан ошиқ ноёб китоблари сақланаётган кутубхона ҳам катта таассурот қолдирди.

Меҳмон боядан бери ўзини қизиқтирган бир саволни бермай туролмади, - чет элда ўқиганмисиз?

– Тошкентда жаҳон тиллари университетида таълим олганман, – жавоб қилди Манзура. – Кейин мактабда болаларга рус тили ва инглиз тилидан дарс бердим. Тошкентда халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасида ишладим. Бу ерда эса 22 йилдан бери хизматдаман. Абдужалил, Гулнора исмли ўғлим ва қизим бор. Турмуш ўртоғим Асқаржон Абдураупов қурилиш фирмасида раҳбар. Яхши иқтисодчи ва компьютер бўйича мутахассис. Оиламиз тинч, фаровон.

... Манзурахон Австралиядан мактуб олди. Унда Дий хоним Ўзбекистонга, хусусан, Қўқонга яна келиш орзусида юрганини ёзган эди. Менга қўқонлик аёллар тиккан кашталик буюмларидан топиб берасиз. Мен учун яна ўша музейда кўрганим каби битта ғаройиб паранжи харид қилиб қўйишингизни сўрайман. Паранжининг барча либослардан бошқача тикилиши, ўзига хос нақшлари, гуллари менга жудаям ёққан эди. Мен уни ноёб санъат асари сифатида юртимга олиб келаман.

Манзурахон ўша куниёқ чевар Хожи онага Дий хоним илтимоси юзасидан буюртма берди. Ҳадемай Дий хоним яна Қўқонга келди. Бу гал у Манзурахоннинг оиласида ҳам меҳмон бўлди. Саёҳатдан сўнг севина-севина ўзи орзу қилган буюмларни олиб юртига кетди.

Бундоқ қараганда, музейлар энг сокин, анчайин зерикарли жойга ўхшайди. Лекин музейнинг оҳанрабоси бор. Бу ерда бир кун ишлаган одам қайтиб кетолмайди. У устози Ибодулла Раҳматуллаевни эҳтиром билан эслайди.

– Мен бу ерга илмий ходим бўлиб келганимда устоз директор эдилар, - дейди у. – У кишининг қомусий билимига, музейни бойитиш йўлидаги тинимсиз саъй-ҳаракатларига, ҳавасим келарди. «Ҳар бир ашё ўзи ҳақида сўзласин, қизим, - дердилар устоз, – ҳар бир буюмнинг ўз ҳужжати, ўз тақдири бўлсин! Агар сиз кўп ўқисангиз, ўргансангиз – музей ашёлари, умуман Ўзбекистонимиз тарихи ҳақида дадил, бурро гап айта оласиз. Музейга келган ҳар бир мухлис бу ердаги буюмлар ҳақида сиз билан биздек кўп билим олиб кетсин. Ана ўшанда нимагадир эришган, ичган тузимизни оқлаган бўламиз,» - деб кўп маслаҳат бергувчи эдилар. Бу қутлуғ даргоҳда яна Аҳроржон Аъзамов, Аҳмаджон Мадаминов каби тарихчилар узоқ ишлаб, музейни бойитишга ҳисса қўшганлар.

Ҳозир эса музейда Зуҳрахон Абдураҳмонова, Яҳёхон ака Дадабоев, Абдусамад ака Эгамбердиев, Муҳаррамхон Темирова, Камунахон Ҳомидовалар чин дилдан меҳнат қилишяпти. Улар Қўқон тарихини, бугунги маданияти ва санъатини, қадриятларини яхши биладиган мутахассислар. Биз музейни ҳар куни, ҳар соатда бойитиш ҳаракатидамиз. Шу мақсадда «Қўқон ҳовлилари – энг ноёб маданий ёдгорлик» мавзуида илмий-амалий анжуман ўтказдик, этнографик кўргазма ташкил қилдик.

Қўқон шаҳрининг ўзига хос ҳовлиларини, меъморчиликда фойдаланилган замонавий ва тарихий услубларини кўриб, меҳмонлар қойил қолдилар. Хонадонларда сақланаётган ажойиб қадимий буюмлар, идишлар ва уй соҳиблари яратган миллий либослар, кашталар ҳаммани лол қолдирди ва улардан музейга ҳам харид қилдик.

Манзурахон учун музей ўз уйидек бўлиб қолган. Ана шу муқаддас уйга эса ҳар йили 70 минг мухлис ташриф буюради.

**Санъат МАҲМУДОВА**

*Хабарлар оқимидан*

## ДЎСТЛИК ТАРОНАЛАРИ

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Давлат академик катта опера ва балет театри симфоник оркестри томонидан тайёрланаётган концерт дастурлари мусиқа ихлосмандларига манзур бўлмоқда. Ижодий гуруҳнинг навбатдаги томошаси ўзбек ва молдаван халқлари дўстлигига бағишланади.

Уруш ва меҳнат фахрийлари билан ёшлар учрашувига бағишланган мусиқали кечада оркестр Ўзбекистон ва Молдавия композиторларининг янги ёзган асарларидан намуналарни ижро этди. Халқ қўшиқлари ижроси ҳам яхши кутиб олинди.

Мазмунли ўтган бу маданий тадбир Молдавиянинг Ўзбекистондаги элчихонаси, Ўзбекистон ва Молдавия дўстлик жамияти, шунингдек республика «Нуроний» жамғармаси фаоллигида ташкил этилди.

**А.АЛИЕВ**

## ВЕЛОСИПЕДДА ВОҲА КЕЗИБ

Журналист Нурмат Ражабовни Хоразм воҳасида яхши танийдилар.Кўп йиллар мобайнида вилоят рўзномасида меҳнат қилди. “Шовот истиқболи” газетаси бош муҳаррири лавозимида ишлаб пенсияга чиқди. Унинг Шовот тумани тарихига оид бир неча публицистик китоблари ҳам ёруғлик юзини кўрган.

Газетасиз ҳаётимни умуман тасаввур қилолмайман, - деди Н.Ражабов “Туркистон-пресс” мухбирига. - Шу боиски, қаламни қўлдан қўйганимча йўқ. Қўрғон ва қишлоқларни кезаман.Воҳа меҳнат аҳли ҳаётидан хабар,мақола,лавҳа ва очерклар ёзаман. Лекин йўл харажатлари бироз қийинчилик туғдирарди. Хомчўт қилиб кўриб велосипед сотиб олдим. Воҳада мен бормаган гўша йўқ десам муболаға бўлмас. Айни вақтда Хоразм тарихига оид навбатдаги китобимга материаллар йиғиб юрибман. Ёшим 67 да. Худога шукурки, ҳали бардам-тетикман.

**“Туркистон-пресс”**

*Ёзги соғломлаштириш*

## ОРОМГОҲДА НОН ЦЕХИ

Денов туманидаги «Сина» оромгоҳи бу йил йигирма тўртинчи бор жўшқин болаликни ўз бағрига олмоқда. Афсуски, бу сафар кутиб олувчилар орасида Амин ака йўқ...

Ҳар йили оромгоҳда мингга яқин болалар дам олади... Улар асосан хўжаликлар аъзоларининг фарзандлари, лекин оромгоҳни истаб бошқа жойлардан келувчилар ҳам талайгина. Бу бежиз эмас. Оромгоҳда барча шароитлар етарли. 10 дан ортиқ ётоқхоналар, ошхона, клуб, кутубхона, бир неча спорт иншоотлари, тиббиёт маскани болалар ихтиёрида. Айниқса, «Сина» оромгоҳи 1999 йилда Аминжон Аллаев томонидан хусусийлаштирилгандан кейин мулкка нисбатан эътибор ижобий томонга ўзгарди. Бинолар қайта таъмирланди. Атрофни кўкаламзорлаштириш, гул - гулзорга айлантириш чоралари кўрилди.

Қабул қилинувчи болалар сони ошиб борди. Тарғибот яхшиланди. Бу ишларнинг бошида Амин аканинг ўзи турди. Лекин қисмат экан, ўтган йил декабрда у дунёдан кўз юмди.

От ўрнини той босар, деганларидек, бу оромгоҳни унинг ўғли Амир Аллаев бошқармоқда. Бир қанча ўзгаришлар ҳам қилди. Биноларнинг ички ва ташқи томонига зеб берилди. Анжомлар қайта таъмирланиб, ётоқхона, ошхона жиҳозлари мавсумга пухта ҳозирланди. Қарийб 3 км узоқликдаги булоқ суви тортиб келиниб, ичимлик суви муаммоси ҳал этилди. Болалар масканига тегишли 2 гектар ерга деҳқончилик қилинган эди, ҳосил ҳам бўлиб берди. Дастурхонга файз кирди.

Бугун 11 нафар тарбиячи болажонлар атрофида гиргиттон. Улар дам олувчиларнинг ҳар лаҳзаси мазмунли ўтиши учун жон куйдирмоқда. Айниқса, оромгоҳга 2 нафар спорт устаси, 4 нафар тиббиёт ходими ва бир нафар мусиқашунос жалб этилгани ўз самарасини бермоқда.

Дарвоқе, оромгоҳ бу йил болаларни бир янгилик билан кутиб олди. Бу ерда иссиқ нон цехи ташкил қилинди.

**Алишер РАҲМОНОВ,**
**«Ишонч» мухбири**





*Ибрат*

## ЯНГИЛИКЛАР
### дастлаб шу ерда синовдан ўтказилади

Жиззах шаҳри марказида табаррук бир илм маскани бор. Бундан қарийб 120 йил муқаддам қурилиб, ишга туширилган бу мактабда дастлабки вақтлар 15 нафар бола ўқиган бўлса, айни чоғда 1400 нафарга яқин ўқувчи учун таълим-тарбия ўчоғига айланган. Бу ерда Шароф Рашидов, Ҳамид Олимжон, Ҳамроқул Носиров, Турсунбой Холматов, Низом Қўшақов, Абдуғаффор Абдурозиқов, Ёқубжон Сиддиқов, Парда Зиётов, Қосимжон Саъдуллаев, Тўйчи Мўминжонов каби таниқли давлат арбоблари, ижодкору олимлар билим олишган.

Шароф Рашидов номи билан аталадиган мазкур мактабнинг бошқа умумўрта таълим муассасаларидан фарқи шундаки, у вилоят педагог ходимлари малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш институтининг таянч мактаби ҳисобланади. Таълим жараёнига киритилаётган барча янгиликлар дастлаб ана шу масканда тажриба-синов сифатида ўрганилади.

– 1998 йили мактабда музей ташкил этдик, – дейди музей иш юритувчиси Нортожи Одилова. – Ота-оналар ва ўқитувчилар кўмаги билан мингдан зиёд фотосуратлар, газеталар, жиҳозлар тўпладик. Мустақиллик йилларида республикамиз ва вилоятимизда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишларини акс эттирувчи экспонатлар ташкил этганмиз. Тарих, «Ватан туйғуси», «Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари» фанлари асосан шу ерда ўтказилади.

Мактабда жисмоний тарбия ва спортга ҳам алоҳида эътибор қаратилган. 15 та спорт тўгараги мунтазам фаолият кўрсатмоқда. «Ҳумоюншоҳ» спорт клуби аъзоси, 9-синф ўқувчиси Дилшод Маҳкамов болалар ва ўсмирлар ўртасида каратэ бўйича вилоят ва республика чемпионлигини қўлга киритган. Ўзбекистон Каратэ миллий федерациясининг I даражали дипломи билан тақдирланиб, республика ёшлар терма жамоасининг аъзолигига қабул қилинган. Дилшод айни кунларда устози Лазиз Даминов билан Швейцарияда ўтказиладиган мусобақага тайёргарлик кўрмоқда.

**Бўрибой НОРҚУЛОВ,**
**«Ишонч» мухбири**

*Халқ оғзаки ижоди*

***Ўзбек достончилиги ҳақида фикр юритганда марҳум Қодир бахши Раҳимов ижодини тилга олмасдан иложимиз йўқ. Чунки бахши қадим санъат туримизнинг сақланиши ва ривожида ўзининг ноёб истеъдоди, бадиҳагўйлиги билан муносиб улуш қўшган.***

# БАХШИ ДЎМБИРА ЧЕРТГАНДА

Қодир бахши репертуарида 70дан зиёд анъанавий ва замонавий достонлар борлиги қайд этилса-да, «Зайдиной», «Жорхун мастон», «Ойчинор», «Норгулой» («Келиной»), «Ёзи билан Зебо» каби достонлар ёзма шаклда, «Алпомиш», «Бева Барчин», «Кунтуғмиш», «Бектош араб», «Малла савдогар», «Нурали ва 500 муллабачча» каби достонлардан парчалар магнит тасмада сақланган. Бу асарлар бахшининг ноёб истеъдоди, бадиҳагўйлиги ва эпик анъанага қўшган ҳиссасини таҳлил қилишга етарли имкон беради. Қодир бахши куйлаган ҳар бир достон вариантида инсон руҳияти, ички кечинмалари ва орзу-истаклари табиат ҳодисалари билан уйғунлаштирилган ҳолда образли тасвирланади. Табиатдаги барча нарса ва ҳодисалар жонлантирилиб, эпик қаҳрамон ҳиссиёти, воқеалар ривожидаги иштироки бадиий мукаммаллик касб этади.

Биргина «Алпомиш» достонидан олинган қуйидаги эпизодга эътибор қаратайлик. Алпомиш етти йиллик тутқунликдан озод бўлиб, она-юрти Бойсунга бораётган пайтда етти йиллик айрилиқ азобини тортган она-бола Тарлон бия ва Бойчиборнинг Кўккамиш кўлида учрашув тасвири бор. Унда ҳайвонлар руҳияти, сезгиси лирик кечинмалар ифодаси орқали ғоят юксак бадиийликка кўтарилган. Айрилиқ, болага меҳр нафақат инсонга, балки ҳайвонларга ҳам хос нарса эканлигини тушунамиз. Қодир бахши ана шу тасвирни бутун вужуди, меҳри, садоқати, истеъдоди билан она - Тарлон бия образи орқали меъёрига етказиб ифода эта олган.

Кўккамиш кўли. Бойчибор Ватан ҳиди димоғига урилган кездаёқ соғинчдан кишнай бошлади. Фарзанд зориқишида ётган она - Тарлон бия таниш, мунгли овоздан фарзанди келганлигини сезиб, вужуди ҳаяжондан титради. Бахшининг бутун хаёли она-бола топишуви, соғинчли эпизодини сози ва сўзи орқали ифода этишга қаратилган.

***... Тарлон йиғлаганда қушлар***
***йиғлади,***
***Қуриб қолган азиз бошлар***
***йиғлади,***
***Она йиғлаганда қийин экканда,***
***Сувлари сирқираб тошлар***
***йиғлади.***

Биринчи мисра мазмунидан бир қарашда қушлар жонлантириш воситаси ёрдамида Тарлон бия руҳиятига, ғам-андуҳига шерик бўлиш учун бадиий шакллантирилган деган оддий тасаввур пайдо бўлиши мумкин.

Бутун заминдаги жонли мавжудотларни Она дунёга келтиради, тарбиялайди. Шунинг учун ҳам фақат жонзотларгина эмас, ўз ҳаётини яшаб, боқий дунёга рихлат қилган марҳумлар ҳам Онанинг оҳ-ноласига бардош беролмаяпти.

Кейинги мисраларда ҳам она йиғиси бадиий кўчимлар воситасида кучайтирилмоқда. Сув тириклик, яшариш манбаи. У бутун борлиққа жон бахш этади. Оламнинг гуллаб-яшнаши учун сувнинг бениҳоя аҳамияти катта. Баланд чўққилардан ирмоқ бўлиб, тошлардан-тошларга урилиб, жилоланиб оқаётган сувнинг шарқироқ товушидан қалб жунбушга келади. Онанинг фарзанд дийдорига етиши, соғинчидан маржон-маржон бўлиб тизилиб оқаётган кўз ёшларидан-чи?

***Тарлон йиғлаганда боғлар***
***йиғлади,***
***Гала бўлиб учган зоғлар***
***йиғлади,***
***Она йиғлаганда қийин экканда,***
***Қорини ёш қилиб тоғлар***
***йиғлади.***

Қодир бахши Тарлон бия билан Бойчибор учрашувини ана шундай шоирона маҳорат билан тасвирлайди. Бахшининг ўзига хос истеъдоди яна шунда кўринадики, воқеалар тасвирида эпик қаҳрамон ҳиссиётини бадиий ифодалашда халқ дидактикасига катта эътибор берилган. Шунинг учун ҳам марҳум истеъдодли фантаст ёзувчи Ҳ.Шайхов: «Қодир бахши айтаётган ҳар бир сатр, ҳар бир тўртликда фикрлар шу даражада қуюқки, ҳар бир сўз афоризм даражасига кўтарилган. Бу сатрларни истаган тилга таржима қилсак, шундай мазмунли жаранглайдики, ҳамма халқ бундан ҳайратда қолади», - деб бежиз айтмаган эди.

Айниқса, бахши ижодига мансуб «Зайдиной» достонида Гўрўғлига қирқ чилтон томонидан берилган қирқ насиҳатда халқимизнинг дидактик хусусиятлари, этнопедагогикаси умумлаштирилган ҳолда бериладики, бахши истеъдодига тан бермасдан иложингиз йўқ.

***Ҳеч вақт тенг бўлолмас***
***олтин билан зар,***
***Биламан демагин***
***билимдонлар бор,***
***Одамзод одамдан ўрганар***
***доим,***
***Мўйсафид гапини бўлмагин***
***зинҳор.***

Хуллас, Қодир бахши анъанавий достончилик соҳасида беқиёс намуналар яратиб, қадимий санъат турини юқори даражаларга кўтарди. Ўз сўзи ва овози билан халқимиз қалбидан мангуга жой эгаллади.

**Насим ОЧИЛОВ**

ISHONCH

МУАССИС:
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

Таҳрир ҳайъати:
Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Зайниддин Рихсиев (бош муҳаррир биринчи ўринбосари), Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзоҳид Содиқов, Шамсиддин Эсонбоев, Кудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов.

E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78; Хатлар бўлими 56-85-43; Реклама ва эълонлар бўлими (3712) 56-85-79.

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди - 21.30

*Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи:* 133; 134

Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

*«Шарқ» нашриёт—матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.*

Тиражи: 17449 Буюртма Г— 373. 1 2 3 4 5 6